

**Қишлоқ хўжалиги вазирлигида 2026 йил 1-ярим йиллиги учун
коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМЙ ҲИСОБОТ**

**I. Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани
тўғрисида умумий ахборот**

Қишлоқ хўжалиги вазири томонидан 2026-йилнинг 30-январидида 01/15-23-сон билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан 2026-йилда амалга ошириладиган ишлар режаси”, 2026-йил 5-февралда 12/27-сон билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотларида Коррупцияга қарши курашиш ва Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш йўналишида ташкил этилган ишлар натижадорлигини ўрганиш, амалий ёрдам бериш, давра суҳбати, семинар-тренинглар ўтказиш графиги”га асосан бўлим томонидан коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш бўйича ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан биринчи чорак бўлим томонидан давомида 14 та тизим ташкилотида ҳамда 6 та ҳудудий бўлинмаларда мониторинг, давра суҳбати, семинар-тренинглар амалга оширилди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 3-майдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низом”га асосан Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга сарфланган электр энергия маблағининг бир қисmini қоплаб бериш бўйича ажратилган субсидия маблағларининг мақсадлилиги юзасидан ўрганишлар амалга оширилди. 2026-йил 19-мартдаги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича 2025-йилда амалга оширилган ишлар, 2026 йилда амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўриб чиқилди. Ҳудудий бўлинмаларда бўлинма бошлиқлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар иштирокида соғломлаштириш соатлари ўтказилди. Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар ҳар ой охири билан “e-anticor” платформасига киритилиб борилмоқда.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятни такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ISO 37001-16 халқаро стандарт талаблари асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича 15 та ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Вазирликнинг: Коррупцияга қарши курашиш сиёсати; Ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидалари; Манфаатлар

тўқнашуви тўғрисидаги низом ва бошқалар. Ушбу ички идоравий хужжатлар билан Вазирлик тизимида фаолият олиб бораётган барча ходимларни мунтазам равишда таништириб бориш ва таништирилганлигини имзо қўйиш билан тасдиқлаш амалиёти жорий қилинган. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий боинмалар, тизим ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома янги таҳрирда ишлаб чиқилди, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмаларга ижро учун юборилди.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022-йил 11-майдаги ПҚ-240-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ҳамда “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услуги” талабларига риоя қилган ҳолда Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисида Низомда белгиланган ҳар бир функция (Жами 107 та) бўйича коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш юзасидан баҳолаш ишлари амалга оширилди ва “e-anticor” электрон платформасига жойлаштирилди.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

2026-йилда жами 3278 та, шу жумладан 3054 та ходимдан йиллик, 146 ходимдан лавозим ўзгаргандаги, 78 та ходимдан янги ишга қабул қилингандаги эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар олиниб таҳлиллар амалга оширилди. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни кўриб чиқиш натижаларига кўра 41 та ходим тадбиркорлик субъектларининг муассиси (иштирокчиси) эканлиги аниқланди. Кўрилган чоралар натижасига кўра 39 нафар ходимлар тадбиркорлик фаолияти тугатишган (бошқа шахсга ўтказилган), 1 нафар ходим ўзининг розилиги асосида лавозимидан озод этилиб бошқа лавозимга ўтказилган, 1 нафар ходимнинг ташаббусига кўра аризасига асосан шартнома бекор қилинди.

Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шарномаларига киритиш

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва контрагентлар билан тузиладиган хўжалик шартномаларига Коррупцияга қарши қоидалар киритиш жорий қилинган бўлиб, ушбу қоидалар киритилмаган шартномаларни бекор қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилган.

Контрагентларни текшириш

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва контрагентлар билан тузиладиган хўжалик шартномаларига Коррупцияга қарши қоидаларни киритиш жорий қилинган бўлиб, ушбу Коррупцияга қарши қоидалар киритилмаган шартномалар бўйича контрагентлар билан шартномаларни бекор қилиш бўйича тегишли чоралар қўрилган.

Вазирлик марказий аппаратида олти ой давомида жами 89 та шартномалар имзоланган бўлиб, 22 та шартномалар таклиф сўрови орқали тузилган, 67 та шартномалар электрон дўкон бўйича тузилиб давлат харидлари амалга оширилган. Худудий бўлинмалар томонидан 502 та, тизим ташкилотлари томонидан 991 та шартномалар тузилган бўлиб барча шартномалар электрон дўкон орқали ҳамда тўғридан тўғри шартнома турида амалга оширилган.

Ушбу харидлар Қонун талаблари доирасида амалга оширилган бўлиб, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмади.

Ишга номзодларни текшириш

Вазирлик марказий аппаратида биринчи ярим йилликда 13 та, худудий бўлинмаларда 83 та ва тизим ташкилотларида 150 та ишга кириш учун номзодлар устидан текширувлар ўтказилган.

Ўтказилган текширувларда номзодларнинг манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланмаган.

V. Таълим ва коммуникация

2025 йил давомида вазирлик марказий аппаратида меҳнат фаолиятини олиб бораётган барча ходимларнинг “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси”да ўқитилиши таъминланди ва сертификатларга эга бўлишди.

2026 йилнинг биринчи ярмида марказий аппаратда ишга янги қабул қилинган 21 нафар ходимларнинг малакаси оширилди, худудий бўлинмаларда 420 та, тизим ташкилотларида 276 та ходимнинг “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси”да малакаси оширилди ва сертификатларга эга бўлинди.

Жорий йил январ ойида барча худудий бўлинмаларда ҳамда Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институтида коррупцияга қарши соғломлаштириш соатлари ўтказилди.

VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар

Вазирлик тизимида Коррупция ҳолати ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи 1243 қисқа рақами ташкил этилган. Ушбу қисқа рақами орқали фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйилган, Коррупциявий ҳолатлар ҳақида маълумотлами қабул қилиш амалга оширилади. Шунингдек, Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган

вазирликнинг <https://gov.uz/ru/agro> расмий веб-сайти, info@AGRO.UZ электрон почта манзили, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва “Qishloq xo‘jaligi vaziriga murojaat” телеграм боти ташкил этилган.

2026-йилнинг 1-ярмида вазирлик марказий аппаратида коррупция фактларига доир 14 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 6 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 2 таси Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 1 таси Президент Администрацияси, 1 таси Юнусобод тумани камбаҳалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ва 4 таси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тўғридан-тўғри равишда келиб тушган. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими томонидан коррупция йўналишида масалар борлиги туфайли бўлим ходимларига юборилган. Худудлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан 1 та, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидан 2 тадан, Жиззах вилоятидан 4 та, Тошкент шаҳридан 5 та мурожаат келиб тушган.

Вазирлик тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органи Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига 1 та Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) девонидан ҳамда Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига 1 та Бош Прокуратурадан мурожаатлар келиб тушган. Бошқа таркибий ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмаларга коррупция фактларига доир мурожаатлар келиб тушмаган.

Тошкент давлат аграр университети “ТДАУ антикор” телеграм ботида 2026-йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 18 марта мурожаатлар (аноним) келиб тушган, шундан

7 та ҳолатда - талабалар учун бериладиган стипендияларни ўз вақтида бермаслик ҳолати;

3 талаба АРМ да компьютерда топширган аъло баҳолари ўқитувчи томонидан ведомостга 5 баҳо ўрнига 4 баҳо қўйганлигини;

2 та ҳолатда коррупция билан боғлиқ ҳолатлар талбалардан баҳоларини қўйиб бериш учун пул талаб қилганлиги;

1 та ҳолатда гранд талабаларига грандда қолишга деканат томонидан амалий ёрдам кўрсатилганлигини;

1 та ҳолатда талабалар ётоқхоналарига тьюторларни бостириб киришидан нороз бўлишганлиги;

1 та ҳолатда ТТЖ лифт таъмири ва хоналарга мажбурий тартибда гул сотиб олишга учун пул йиғилганлигини;

1 та ҳолатда чет элга ишлашга юбориш мақсадида талабалардан 200 евродан пул йиғилганлигини;

1 та ҳолатда 15 ТТЖ коменданти таниш билишчилик асосида талабаларни хоналарини қабул қилмаслиги;

1 та ҳолатда ТТЖ да иссиқ сув ва совуқ сув йўқлигини маълум қилишиб аноним тартибда маълумот берилган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида келиб тушган коррупциявий ҳолат мавжудлиги таҳмин қилинган мурожаатлар кўриб чиқилганда мурожаатларда келтирилган фактлар ўз тасдиғини топмади.

Келиб тушган мурожаатларнинг 10 тасида ҳодимлар билан боғлиқ масалаларда, 6 таси яйлов ерларини ажратилиши масаласида юборилган.

Тошкент давлат аграр университети келиб тушган мурожаатларни барчаси коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлими томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди, жумладан 7 та ҳолатда - талабалар учун бериладиган стипендияларни ўз вақтида бермаслик ҳолати бўйича тушунтириш ишлари ўтказилди, камчиликлар бартараф этилиб стипендияларни берилиши таъминланди, 3 талаба АРМ да компьютерда топширган аъло баҳолари ведомостга тушириб берилди, 2 та ҳолатда ўқитувчилар томонидан талабалардан баҳоларини қўйиб бериш учун пул талаб қилганлиги ўз тасдиғини топмади, шунингдек Германияга ишга юбориш ҳолатида йиғилган 200 евродан пуллар фирманинг бадал тўлови эканлиги, ноқонуний тўлов эмаслиги маълум бўлди, қолган ҳолатларда ҳам коррупция масаласи ўз тасдиғи топмаганлигини аниқланди.

VII. Мониторинг ва назорат

Вазирлик коррупцияга қарши курашиш бўлими жорий йилнинг 1-ярим йиллигида Андижон, Фарғона, Бухоро, Навоий, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, Тошкент давлат аграр университети, Халқаро қишлоқ хўжалиги университети, Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази, Уруғчиликни ривожлантириш маркази, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар маркази, Ўздаверлойиха давлат илмий лойиҳалаш институти, Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази, Агросаноатни рақамлаштириш маркази МЧЖ, Маъмурий хўжалик хизмати ДМ, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтида коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисида ўрганиш ўтказилди ҳамда семинар тренинглар амалга оширилди. Шунингдек аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъул ходимларга тегишли тавсиялар берилди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 3-майдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низом”га асосан Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга сарфланган электр энергия маблағининг бир қисmini қоплаб бериш бўйича 2023-2025 йилларда ажратилган субсидия маблағларининг мақсадлилиги юзасидан ўрганишлар амалга оширилди.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Амалга оширилган мониторинг натижалари бўйича шакллантирилган маълумотномалар ва ҳисоботлар вазирлик раҳбариятига тақдим қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган ўрганишларда аниқланган камчиликлар, қоидабузарликлар, субсидия маблағларининг асоссиз ажратилиши, мақсадсиз ишлатилиши юзасидан расмийлаштирилган маълумотномалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим қилинди.

IX. Хулосалар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, соҳада коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ортмоқда.

Худудий бўлинмаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича штат бирлигининг очилиши худудларда ўтган даврларга нисбатан коррупцияга қарши курашиш масаларини тизимли ташкил қилиш, вертикал бўғин билан ишлаш самарадорлигини оширмоқда.

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Вазирлик тизими ходимлари томонидан содир этилаётган қоидабузарликларни олдини олиш ва уларнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишида билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида мутасадди ташкилотлар масъул ходимларини жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, ўқув семинарларини ташкил қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимларда ишловчи ходимлар фаолияти устидан назоратни кучайтириш, шунингдек агентлик томонидан амалга оширилаётган функцияларни рақамлаштириш борасида ишларни ташкил этиш ҳамда мавжуд электрон тизимларга коррупциявий хавфни камайтиришни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритиб бориш режалаштирилмоқда.

**Коррупцияга қарши ички
назорат тузилмаси раҳбари**




Ш.И.Тешабоев

**Коррупцияга қарши давлат дастурида назарда тутилган
чора-тадбирларнинг ижроси ҳақида
ҲИСОБОТ***

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар
1.	Қонунчиликда коллизиялар, номувофиқликлар, “ноаник” қоидалар, «оқ доғлар» ва бошқа коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш.	2026 йил октябр	2026 йил I ярим йилликда жами 51 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шундан 5 та қонун, 7 та Президент фармони, 10 та Президент қарори, 29 та Ҳукумат қарори, 10 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди.
2.	“Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида давлат хизматчисининг малакасини ошириш амалиётини йўлга қўйиш.	2026 йил октябр	“Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида 723 нафар ходим малакаси оширилди ва 717 нафар ходим сертификатларга эга бўлди.

**Коррупцияга қарши ички
назорат тузилмаси раҳбари**



Ш.И.Тешабоев